



YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil,
5-fevral,
payshanba
№17
(5237)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Бир кунда салкам

800 000,

Бир йилда салкам

300 000 000
йўловчи

Статистика

ҚУЛАЙ, ТЕЗ ВА ИШОНЧЛИ

метро ушбу таърифга мос жамоат транспорт
воситаси эканини намоён этмоқда

Миллий статистика қўмитасининг дастлабки маълумотларига кўра,
2025 йилда метрополитен орқали жами

286,8 миллион нафар

йўловчи ташилган.

Бу кўрсаткич

2024 йилга нисбатан 6,1 фоизга

ошган.

Мазкур даврда метрополитендан бир кунда ўртача **785,6 минг нафар йўловчи** фойдаланган.

Ушбу кўрсаткич йиллар кесимида қуйидагича:

2020 йил

38,8
миллион;

2021 йил

101,8
миллион;

2022 йил

136,7
миллион;

2023 йил

172
миллион;

2024 йил

270,3
миллион;

2025 йил

286,8
миллион;



Жамоатчилик назорати

Меҳнат қадрланадиган жойда адолат бўлади. Ойлик маошлар ўз вақтида тўланиши эса ходимларга нисбатан эътибор ва масъулиятнинг энг оддий, аммо энг муҳим кўрсаткичидир. Жамоаларда қонунчиликка риоя этилиши устидан олиб борилаётган жамоатчилик назорати ўз самарасини бериб, кўплаб масалалар ишчи-ходимлар фойдасига ҳал этилмоқда. Шу жараёнларда касаба уюшмаларининг роли бекиёс бўлмоқда.

**МАОШДАН
3 МИЛЛИАРД СЎМ
ҚАРЗДОРЛИК...**

Хусусан, Жондор ва Шофиркон туманлари тиббиёт бирлашмаларида ўтказилган назорат тадбирлари давомида иш ҳақи ўз вақтида тўланмаётгани маълум бўлди. Ваҳоланки, амалдаги тартибга кўра, иш ҳақи ой давомида икки марта, маълум муддат оралиғида берилиши шарт. Бироқ бу тартиб-қоидага бир неча ой давомида амал қилинмаган.

Муаммога зудлик билан ҳуқуқий баҳо берилиб, масъулларга тақдимнома киритилди ва қоидабузарлик бартараф этилди. Натижада 1 минг 98 нафар тиббиёт ходимининг 3 миллиард сўмдан зиёд иш ҳақи тўлаб берилди.

Албатта, ушбу рақамлар ортида оддий инсонлар, уларнинг оилалари, тирикчилиги ва тақдиринг бор. Лекин иш бевуви бунинг англамаган. Жамоатчилик назорати ва касаба уюшмаси аралашуви билан адолат тикланди. Мазкур ҳолат касаба уюшмалари фаолияти нақадар зарур ва самарали эканини яна бир бор исботлади. Бу бошқа ташкилотларга сабоқ бўлиши лозим. Чунки меҳнат қадрланган, иш ҳақи ўз вақтида тўланган, бир сўз билан айтганда, қонунчилик талабларига сўзсиз риоя қилинган жамоа янада юксалади.

Ҳамро ЧОРИЕВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши
меҳнат ҳуқуқ инспектори

Касаба уюшмалари аралашгач...

ХОДИМ ИШГА ТИКЛАНДИ

М.Машрапов Риштон тумани Деҳқон бозорига назоратчи лавозимида ишлаб келган. Ўтган йил август ойида унинг меҳнат шартномаси иш бевуви томонидан мажбурий равишда ёздирилган аризага асосан бекор қилинган.



Ушбу шахснинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига ўз ишига тиклаш тўғрисида қилган мурожаати назоратга олинди. Ўрганиш давомида ходимни ишдан бўшатишда қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани тушунтирилишига қарамадан, иш бевуви ўзини «қақман», деб туриб олди.

Ҳолат юзасидан мурожаатчининг манфаатларини ҳимоя қилиб, фуқаролик

ишлари бўйича судга даъво аризаси киритилди. Натижада адолат қарор топди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан М.Машрапов ишига тикланди. 5 ойлик мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириб берилди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг
Фарғона вилояти кенгаши
бош юриконсулти

ОНЛАЙН КРЕДИТ БЕРИШ АМАЛИЁТИ ҚАНЧАЛИК ХАВФСИЗ?

Ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон фуқароларининг шахсий маълумотлари даркнетга чиқиб кетгани ҳақида хабарлар тарқалди. Ушбу хабарлар фонида мутахассислар эҳтиёт чораси сифатида фуқароларга давлат тизимларидаги паролларини алмаштиришни тавсия қилмоқда. Жумладан, кредит олишга тақиқ қўйиш, OneID ва MyGov паролларини алмаштириш, икки босқичли ҳимояни ёқиш, тасдиқ кодларини ҳеч кимга бермаслик ва ҳ.к.

Кизиғи шундаки...
Юртимизда ҳамма ҳам ахборот технологияларидан бирдек фойдалана олмайди. Хусусан, ёши катталар орасида кредит олишга тақиқ қўйиш, OneID ва MyGov паролларини алмаштириш, икки босқичли ҳимояни ёқиш каби функциялар у ёқда турсин, ҳатто мустақил равишда банкоматдан пул ечишни билмайдиганлар кўпчилигини ташкил этади.

Хўш, улар нима қилиши керак? Ҳар ҳолда, IT соҳасини мукаммал билмаслик айб эмас. Бу – биринчи масала. Иккинчидан, ҳозирги кунда кредитларни, айниқса, истеъмол ва микрокредитларни онлайн тарзда, фуқаронинг иштироки-

сиз расмийлаштириш амалиёти кенг қўлланилмоқда.

Шахсий маълумотлар оммавий равишда сизиб чиққан бир вазиятда бу амалиёт аҳолининг молиявий хавфсизлигига бевосита таҳдид солмоқда. Масалан, хакерлар бировнинг OneID ёки MyGov аккаунти орқали кредитга қўйилган чекловларни бекор қилиб, номига кредит олиши, оқибатда ҳуқуқий ва молиявий мажбуриятлар кимнингдир гарданига тушиши турган гап.

Расмийлар фуқароларга кредитга тақиқ қўйиш, паролларни алмаштириш ва икки босқичли ҳимояни ёқишни тавсия қилмоқда. Бу – тўғри! Аммо агар ак-

каунтнинг ўзи бузилган бўлса, фақат чеклов билан қиёяланиш етарли эмас. Чеклов ҳам, ҳимоя ҳам бир неча тугма орқали бекор қилиниши мумкин бўлган тизимга таянаётгани жиддий муаммо. Шу ўринда Марказий банкнинг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки онлайн кредитлаш амалиётини тартибга солиш, уни чеклаш ёки хавфсизлик талабларини кучайтириш бевосита регулятор ваколатига киради.

Аслида кредит олмоқчи бўлган одам етти ўлчаб, бир кесади. Ўз-ўзидан, дарров шу қарорга келмайди. Шундай экан, Марказий банкка қуйидаги долзарб саволлар билан мурожаат қилмоқчимиз:

Хўш, шахсий маълумотлар хавф остида турган бир шароитда онлайн кредит бериш амалиёти қанчалик хавфсиз? Балки кредитни онлайн расмийлаштириш амалиётини вақтинча тўхтатиб туриш керакдир?! Ёки уни чеклаш масаласи кўриб чиқилмаптими? Кредит шартномаларини, айниқса, биринчи марта олинаётган кредитларни фуқаронинг банкка шахсан келиши (юзма-юз идентификация) орқали расмийлаштириш режалаштирилмаптими? Банклар ва микромолия ташкилотлари учун онлайн кредит беришда қўшимча хавфсизлик филтрлари (иккиламчи текширув, қўшимча розилик, вақтли блокировка) жорий этиш бўйича қандай чоралар қўрилмоқда? Фуқароларни онлайн фирибгарликдан ҳимоя қилиш нуктаи назаридан Марказий банк томонидан қўшимча регулятор чоралар ишлаб чиқиш режаси мавжудми?

Мазкур масала нафақат молиявий тизим барқарорлиги, балки миллионлаб фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари билан бевосита боғлиқ эканини инобатга олган ҳолда, жамоатчиликка аниқ ва очиқ муносабат билдирилиши жуда муҳим.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Муносабат

Сўнгги йилларда жамиятда инсон манфаатини устувор қўйиш, аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш ва манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари давлат сиёсати бош мезонига айланган. Бу борада аҳолига энг яқин бўлган маҳалла институти ҳамда меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилувчи касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ушбу икки тизимнинг куч ва имкониятлари бирлашса, одамлар дардига малҳам бўлиш ва муаммоларга амалий ечим топиш имкониятлари янада кенгаяди.

ХАЛҚ РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббусига кўра, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан ўзаро ҳамкорлик бўйича Меморандум имзолаш маросимида билдирилган фикр-мулоҳазалар шунинг англатадики, жамиятдаги энг таъсирчан ва одамларга энг яқин икки тузилма – маҳалла ва касаба уюшмалари энди янада ҳамжиҳат бўлиб ишлашга киришмоқда. Бу аҳоли дардини жойида эшитиш ва ечимини тез топишга қаратилган амалий қадамдир.

Давлатимиз раҳбарининг маҳалла тизимини халқчил бошқарувнинг энг қуёи, энг таъсирчан бўғини сифатида кучайтириш ҳақидаги фикрлари фаолиятда дастуриламал бўлмоқда. Касаба уюшмалари ҳам айнан меҳнаткашлар, оилалар, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам билан бевосита ишлайди. Бу, яъни икки тизим ҳамкорлиги муаммоларни қозғошмас, ҳаётда ҳал қилиш имконини кенгайтиради.

Федерация ва Маҳаллалар уюшмаси ўртасида имзоланган Меморандум — ана шу ҳамжиҳатликнинг ҳуқуқий асоси. Лекин унинг ҳақиқий қиймати имзоларда эмас, балки маҳалладаги бир оиланинг муаммоси бартараф этилиши, ишсиз аёлларга иш топилиши ёки оғир шароитдаги опа-сингилларимизга амалий ёрдам берилиши билан белгиланади. Айниқса, хотин-қизларга амалий кўмак бериш борасидаги вазифаларнинг биргаликда амалга оширилиши жуда муҳим.

Албатта, ҳамкорлик марказида ҳисобот эмас, инсон туриши керак. Агар ҳар бир қарор шарофати билан муайян оила тақдирини, аёл бандлигини ёки кексалар саломатлигини яхшиланса, бу ҳамкорликнинг ҳақиқий самарасидир. Шундай экан, фаолият самарадорлиги асосий мезонга айланиши зарур.

Ҳасанбой ХОЖАЕВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Наманган
вилояти кенгаши раиси

Марказий банкка!

www.ishonch.uz

www://

ishonch1991@yandex.uz

facebook.com/ishonchofficial.uz

https://t.me/ishonchuz_official

Ҳамкорлик



«INDUSTRIALL GLOBAL UNION» ТАШКИЛОТИГА АЪЗОЛИК БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Меҳнат муносабатлари жадал суръатлар билан ўзгариб бормоқда. Глобаллашув жараёнлари, технологик янгиланишлар ҳамда трансмилий капитал таъсири тобора кучаяётган бир шароитда касаба уюшмаларининг ўрни ва аҳамияти янада ортмоқда. Айниқса, энергетика ва нефть–газ соҳаси ҳозирги кунда чуқур трансформация босқичида экани ушбу масалани янада долзарблаштиради.

Сўнгги йилларда соҳада қатор давлат корхоналари қайта ташкил этилмоқда, айримлари хусусийлаштирилмоқда ёки хорижий инвесторлар иштирокида фаолият юритмоқда. Жумладан, анъанавий ҳамда қайта тикланадиган энергия йўналишларига йирик инвестиция лойиҳалари ва халқаро компаниялар кенг жалб этилмоқда. Бу иқтисодий ривожланиш учун муҳим аҳамият касб этса-да, айни пайтда ишчи-ҳодимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари нуқтаи назаридан янги муаммо ва хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Шу боис Энергетика, нефть–газ ва геология ҳодимлари касаба уюшмаси томонидан мазкур йўналишда изчил ва тизимли иш олиб бормоқда. Масалан, хусусий ва трансмилий компаниялар раҳбарияти ҳамда мутахассислари билан тўғридан-тўғри мулоқот ва музокаралар ўтказилмоқда, меҳнат жамоалари билан учрашувлар, тушунтириш ва маслаҳат бериш ишлари ташкиллаштирилмоқда. Натижада хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарда ишловчи аъзолар сони 20 фоиздан ошди.

Шу билан бирга, касаба уюшмасига айрим корхоналарда меҳнат қонунчилиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар борлиги ҳам маълум. Жумладан, иш ҳақи ўз вақтида тўланмаслиги, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига етарли даражада риоя этилмаслиги каби муаммолар кузатиляпти. Бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан иш берувчилар билан музокаралар олиб борилиб, тегишли чора-тадбирлар қўриляпти.

Бироқ, очигини тан олиш лозимки, трансмилий компаниялар фаолияти билан боғлиқ масалаларда фақат миллий даражадаги имкониятлар ҳар доим ҳам етарли бўлавермайди. Чунки кўплаб стратегик қарорлар корхоналарнинг бош офиси жойлашган давлатларда қабул қилинади. Шу боис касаба уюшмаси учун халқаро қўлаб-қувватлов, тажриба алмашиш ва касаба уюшмалари ҳамжиҳатлиги муҳим саналади.

Шу нуқтаи назардан қарасак, Энергетика, нефть–газ ва геология ҳодимлари касаба уюшмаси учун «IndustriALL Global Union»га

аъзолиги алоҳида аҳамиятга эга. Ташкилотнинг 2025 йил 10-11 июнь кунлари Женева шаҳрида бўлиб ўтган Ижроия қўмитаси йиғилиши қарорига мувофиқ, касаба уюшмаси зунга расман аъзо бўлди. У дунё бўйлаб 130 та давлатда 550 та касаба уюшмасини бирлаштириб, 50 миллиондан ортиқ ишчи-ҳодимнинг меҳнат ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилади. Ташкилот ўз фаолиятида касаба уюшмаларининг асосий ҳуқуқларини, жумладан, уюшиш эркинлиги ва жамоа музокаралари ҳуқуқини Халқаро меҳнат ташкилотининг 87 ва 98-конвенцияларига мувофиқ ҳимоя қилишни устувор вазифа сифатида белгиланган. Трансмилий компаниялар билан глобал даражада музокаралар олиб боради ҳамда аъзо касаба уюшмаларига амалий, ҳуқуқий ва ташкилий кўмак кўрсатади.

Ҳамкорликнинг амалий аҳамияти 2025 йил 15 декабрь куни Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган «IndustriALL Global Union»нинг субрегионал учрашувида ҳам аққол намоён бўлди. Унда Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари касаба уюшмалари иштирок этиб, иқтисодий трансформация шароитида меҳнат қонунчилиги, касаба уюшмаси ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоа музокараларини ривожлантириш ва халқаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилдилар. Самарали ҳимоя учун фақат формал ҳуқуқларнинг ўзи етарли эмаслигини, доимий халқаро ҳамкорлик ва биргаллик ҳаракат қилиш ҳам зарурлигини таъкидладилар.

Хулоса қилиб айтганда, ташкилотга аъзолик энергетика ва нефть–газ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида касаба уюшмамиз учун ишончли халқаро таянч ва самарали амалий восита ҳисобланади. У ишчи-ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига қатъий риоя этилишини назорат қилиш бора-сида имкониятларни янада кенгайтиради.

Собиржон ЭҒАМБЕРДИЕВ,
Энергетика, нефть–газ ва геология ҳодимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси маслаҳатчиси

Касаба уюшмаси деганда, кўпчилик турли йиғинлар, ҳисоботлар ва рақамларни тасаввур қилади. Аммо маданият, спорт ва туризм йўналишида фаолият юритаётган минглаб ҳодимлар мутлақо бошқа фикрда. Улар касаба уюшмасига ҳужжат эмас – ҳимоя, рақам эмас – натижа, ҳисобот учун эмас – инсон тақдирига дахлдор амалиёт сифатида қарашади.

91 та бошланғич ташкилотни ўзида бирлаштирган Маданият, спорт ва туризм ҳодимлари касаба уюшмасининг Бухоро вилояти бирлашган қўмитаси 9 мингдан ортиқ аъзога эга. Уларнинг аксарияти хотин-қизлардан, салмоқли қисми ёшлар ва талабалардан иборат. Бу статистика касаба уюшмаси кимларни ҳимоя қилишга қаратилганини яққол кўрсатади. Чунки улар ижтимоий ҳимояга, ҳуқуқий кафолатга, амалий кўмакка энг кўп эҳтиёж сезадиған қатламдир.

Ўтган йиллар давомида ҳодимларнинг қонуний манфаатлари жамоа шартномалари орқали ҳимоя қилиб келинди. Чунончи, бултур ушбу шартномаларда белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилгани, бир ҳодимга тўғри келган ижтимоий харажат миқдори сезиларли даражада ошгани шунчаки иқтисодий ўсиш эмас, балки жа-

Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.
Алишер Навоий

Фаолият

СТАТИСТИКА ОРТИДА ИНСОН ҚАДРИ БОР

моа шартномаси амалда ўз самарасини бераётганидан далолатдир.

Фаолиятимизда, айниқса, ижтимоий ҳимоя масаласи алоҳида ўрин тутди. Хусусан, кам таъминланган ва отаси ёки онаси йўқ талабаларнинг контракт пуллари тўлаб берилди. Ёш оилаларга уй-жой қуриш, рўзгорини бутлаш учун фоизсиз ссудалар ажратилди. Ҳарбий хизматга қақирилган ёш ҳодимлар, пенсияга чиқиш арафасидаги кексалар, ногиронлиги бор шахслар, боқувчисини йўқотган оилаларга зарур ёрдамлар кўрсатилди. Шунингдек, бола парварishi билан машғул оналарга моддий ёрдам берилди, болали аёллар учун енгил иш режими жорий этилди.

– Ўттиз миллион сўм миқдорида фоизсиз ссуда олдим. Бу маблағ турмушимиздаги камчиликларни тўлдиришга катта ёрдам берди, – дейди ёш оила аъзоларидан бири.

– Контракт пулим тўлаб берилгани оиламиз учун катта енгиллик бўлди, – дейди Мархабо Бердиева. – Бизни қўлаганларга раҳмат.

Фаолиятимиз мобайнида ҳодимлар саломатлигига ҳам алоҳида эътибор

қаратдик. Бир қанчаси йўлланмалар орқали тизимдаги санаторийларда соғлиқларини тиклаган бўлса, баъзиларининг фарзандлари оромгоҳларда дам олишди.

Шу билан бирга, маърифат соатлари, спорт машғулотлари, маданий тадбирлар, театр ва концертларга ташрифлар – барчаси меҳнат жамоаларида соғлом муҳитни қарор топтиришга хизмат қилди.

Касаба уюшмаси мурожаатлар билан ишлаш, тушунтиришлар бериш, амалий ёрдам кўрсатиш орқали ҳодим ва ташкилот ўртасида ишонч кўприги вазифасини ўтамоқда.

Бир сўз билан айтганда, фаолиятимиз марказида ҳисобот ёки статистика эмас, инсон манфаати турибди. Юқоридаги рақамлар эса ана шу манфаатлар қай даражада таъминланганини англатади.

Зарнигор САИДЖОНОВА,
Маданият, спорт ва туризм ҳодимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти бирлашган қўмитаси мутахассиси

Тадбир

Йиғилиш

Таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси Данғара тумани кенгаши 27-мактабда таълим муассасалари директорлари ва бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раислари учун кўргазмали семинар ташкил этди.

ЖАМОА ЕТАКЧИНИНГ ИШИДАН МАМНУН(МИ?)

Иштирокчилар дастлаб ушбу муассасада яратилган шароитлар, синф хоналаридаги қулайликлар, маънавий муҳит ва касаба уюшма қўмитаси фаолияти билан танишдилар. Сўнгра мактаб маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг ўтган йилда бажарилиши бўйича ҳисоботни тингладилар.

Қайд этилишича, ҳодимлар аризаларига биноан сўлим сиҳатгоҳларда дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлишмоқда. Кўмакка эҳтиёжмандларга моддий ёрдамлар берилмоқда. Фаол ва фидойи пе-

дагоглар тарихий шахарларга саёхатларга олиб борилган. Умуман иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ҳамжиҳатликда олиб борган ишлар натижасида моддий манфаатдорлик даражаси ортган.

Берилган маълумотлар асосида мактаб жамоаси етакчининг ўтган йилги фаолиятини ижобий баҳолаб, касаба уюшма қўмитасидан мамнун эканини таъкидлади.

Йиғилиш ниҳоясида 2026-2028 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси қабул қилинди.

Мирзажон ҚУРБОНОВ,
Таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси Данғара тумани кенгаши раиси

Ҳуқуқ

Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 4-мактабгача таълим ташкилотида тарбиячи бўлиб ишловчи Парвина Мирзаева туғуруқ таълидан сўнг ишга қайтиши мураккаб жараёнга айланиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

ҲАҚ ҚАРОР ТОПДИ

Қисқаси, аёлнинг меҳнат фаолиятини давом эттирмақ нияти МТГ раҳбарига маъқул келмади. У бу борадаги муносабатини Парвинанинг ўрнида бошқа ҳодим ишлатгани билан изоҳлади ва 10 ойдан сўнг тарбиячилардан бири пенсияга чиқишини айтиб, ўша пайтда келиши кераклигини уқтирди. Ёнг ажабланирлиси, муассасадан ҳам, архивдан ҳам Парвина Мирзаеванинг мактабгача таълим ташкилотида муқаддам ишлаганига оид ҳужжатлар топилмаган. Шу боис у Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашига мурожаат қилди.

Ўрганишлар натижасида фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд мурожаатчи фойдасига мажбурий бўш юрган кунлари учун 2 миллион 619 минг сўм иш ҳақи ҳамда 500 минг сўм миқдорида маънавий зарар ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Ёнг муҳими, тарбиячи ишга тикланди. Табиийки, суд харажатлари мактабгача таълим ташкилотидан ундирилди.

Муҳаммаджон ЖўРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши бош мутахассиси

НАТО Арктикага қадам қўймоқда

Гренландия атрофидаги сўнгги воқеалар сабаб НАТО Арктикада хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган мудофаа миссиясини режалаштиришни бошлади. Бу ҳақда хорижий ОАВ Европа ҳудудидаги НАТО Қўшма қуролли кучлари вакили, полковник Мартин О'Доннеллга таяниб хабар бермоқда.

Унинг сўзларига кўра, Европа бўйича НАТО Қўшма қуролли кучлари қўмондони, америкалик генерал Алексус Гринкевич «Arctic Sentry» («Арктик қўрқич») операцияси бўйича аниқ ҳарбий режалаштиришни бошлаш ҳақида кўрсатма берган. Таъкидланишича, мазкур миссия Альянснинг Арктика ва Кутб яқинидаги ҳудудлардаги позицияларини кучайтиришга қаратилган.

Келаси ҳафтада Альянсга аъзо давлатлар мудофаа вазирлари Брюсселда йиғилиб, оператив режанинг илк лойиҳасини муҳокама қилиши мумкин. Айни пайтда, О'Доннеллнинг айтишича, НАТО томонидан «хушёрлик даражасини ошириш»га қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда, аммо қўшимча таф-



силотлар очикланмаяпти. «Der Spiegel» нашри маълумотларига кўра, режа НАТО келаларининг мунтазам манёвраларини ўтказиш, қирувчи авиация кучлари орқали ҳаво ҳудудини назорат қилишни кучайтириш, шунингдек, ўқув машғулотлари ўтказиш мақсадида Гренландияда чекланган миқдорда қуруқлик контингентларини вақтинча жойлаштиришни ҳам ўз ичига олиши мумкин.




«Эпштейн иши»да пандемия масаласи ҳам ошкор бўлди

Жеффри Эпштейн иши бўйича 3 февраль куни эълон қилинган янги ҳужжатларда пандемияларни моделлаштириш ва биотиббиёт лойиҳалари муҳокама қилингани аниқланди. Илгари мазкур материаллар билан танишишга қисман чеклов ўрнатилган эди.

Пап 2017 йилга оид ёзишмалар ҳақида бормоқда. Улар америкалик миллиардер Билл Гейтсга йўланган бўлиб, кейинчалик Жеффри Эпштейнга ҳам жўнатишган. Хатларда оммавий касалликлар сценарийларини ишлаб чиқиш, нейротехнологиялар соҳасидаги тадқиқотлар ҳамда инфекцияларнинг глобал тарқалишини симуляция қилиш масалалари муҳокама этилган.

Ҳужжатларда, шунингдек, рақамли тиббий маълумотлар ва АҚШда соғлиқни сақлаш харажатларини таҳлил қилиш билан боғлиқ гоьлар ҳам тилга олинади. Маълумотларга кўра, пандемия сценарийлари муҳокамаси COVID-19дан бир неча йил олдин олиб борилган.

«Эпштейн иши» бўйича файлларни эълон қилиш АҚШ президенти Дональд Трамп ушбу материаллари



Жамиятда инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини оширувчи ҳар қандай кашфиёт инсонга қувонч эмас, қайғу келтиради.

Лев Толстой

Ҳуқуқ

МУРОСАСИЗ МУНОСАБАТ ЗАРУР

Аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш борасидаги қонунчилик ва амалиёт хусусида мулоҳазалар

Кейинги йилларда аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, уларнинг шаън ва қадр-қимматини асраш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Бунинг учун, аввало, қонунчилик базаси яратилди, механизмлар ишга туширилди. Хусусан, Конституциямизнинг 26-моддасида инсон шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз экани, ҳеч ким зўравонлик, қийноқ ёки ғайрининсоний муомалага дучор этилмаслиги қатъий қафолатланган. Бу норма аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш соҳасидаги барча қонунчиликнинг ҳуқуқий пойдевори ҳисобланади.



Шунингдек, «Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Болаларни зўравонликининг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинди. Айниқса, 2020 йилда жорий этилган ҳимоя ордери тизими амалиётда муҳим қадам бўлди. У зўравонликка учраган аёл ва болаларни тезкор ҳимоя қилиш, зўравонлик тақрорланиши олдини олиш ҳамда зўравонлик содир этган шахсларни тўғри йўлга қайтаришга қаратилган. Бир сўз билан айтганда, ҳимоя ордери жабрланувчи учун давлат ҳимоясини таъминлайдиган, зўравонга нисбатан чеклов чораларини белгилайдиган ҳуқуқий ҳужжатдир.

2025 йилда қабул қилинган тегишли қарорлар эса болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини эрта аниқлаш, хавф даражасини баҳолаш ва индивидуал ҳимоя режаларини ишлаб чиқишга қаратилди. Бу ёндашув бола манфаатларини устувор қўйиш принципини амалиётда таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 24 декабрда қабул қилинган «2026 – 2030 йилларга мўлжалланган болаларни зўравонликининг барча шаклларида ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони соҳада янги босқични бошлаб берди. Шу асосда «Болаларни зўравонликининг барча шаклларида ҳимоя қилиш стратегияси» тасдиқланди. Унга қўра, 2026 йил 1 февралдан бошлаб, зўравонлик хавфи остидаги ҳамда ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволда бўлган болалар учун профессионал тутинган оила хизмати жорий этилиши, 1 мартдан эса «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслари) учун «мехрли оила», «оилавий терапия» хизмати

ташкил этилиши белгиланди. Шунингдек, 1 апрелга қадар ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳамда зўравонлик содир этган ёки унга мойил шахслар ҳақидаги маълумотларни алмашиш учун давлат органлари ахборот тизимлари ва «112» хизмати билан интеграциялашган ягона электрон платформа яратилиши, ҳар ўқув йили якунида ижтимоий жиҳатдан хавфли шароитдаги болалар учун таълим муассасалари қабул квотасининг 5 фоизигача қўшимча ўрин ажратилиши қайд этилди.

Мазкур чора-тадбирлар болалар манфаатларини устувор қўйишга қаратилган давлат сиёсати изчил давом эттирилаяётганини, болаларга нисбатан ғамхўрлик ва ҳимоя амалда таъминланаётганини аққол намоён этади.

Хорижий тажриба ҳам аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида фақат жоза чораларига таяниш етарли эмаслигини, балки профилактика, эрта аниқлаш, реабилитация ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга асосланган комплекс ёндашув Ўзбекистонда амалга оширилаяётган давлат сиёсати билан ҳамоҳанг эканини кўрсатади. Хусусан, Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳимоя ордери бериш билан бир қаторда, жабрланувчиларни кризис марказларига жойлаштириш, психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда зўравонлик содир этган шахслар учун мажбурий тузатиш дастурларини қўллаш амалиёти кенг жорий этилган. Ушбу ёндашув Ўзбекистонда жорий этилган ҳимоя ордери, махсус ёрдам марказлари ҳамда реабилитация хизматлари орқали амалга оширилаяётган ҳимоя механизмлари билан мазмунан уйғун ҳисобланади.

Скандинавия давлатларида профилактика ишлари мактаб, тиббиёт ва маҳаллий ижтимоий хизматлар даражасида йўлга қўйилган бўлиб, хавф гуруҳидаги болаларни эрта аниқлаш ва оила билан индивидуал

ишлаш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Бу амалиёт Ўзбекистонда ҳам маҳалла, таълим ва сорлиқни сақлаш тизимлари ички ишлар ва суд-ҳуқуқ органлари, хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш тузилмалари, ёшлар сиёсати идоралари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлиқни кучайтириш, зўравонлик ҳолатларини эрта аниқлаш, хавф даражасини баҳолаш ва индивидуал ҳимоя чораларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилмоқда. Зеро, 2026 йилнинг «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» деб эълон қилиниши бежиз эмас.

АҚШ ва Канада тажрибасида эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ижтимоий хизматлар билан узвий боғланган бўлиб, ҳар бир ҳолат бўйича болага комплекс ёрдам кўрсатиш механизми ишлаб чиқилган. Ушбу тизим ҳам Ўзбекистонда идоралараро ҳамкорлик ва ягона электрон платформа орқали маълумот алмашишга қаратилган чоралар билан мазмунан мувофиқ келади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида зарур ҳуқуқий ва институционал асослар яратилган бўлса-да, уларни қўллаш жараёнини янада такомиллаштириш зарурати сақланиб қолмоқда. Жамиятда шаклланган анъанавий қарашлар таъсирида баъзи жабрланувчилар зўравонлик ҳолатларини ошкор этмаслиқни афзал қўриши, уни «оилавий масала» ёки ор-номус билан боғлиқ ҳолат сифатида қабул қилиши ҳам бу йўналишдаги оилохотларга салбий таъсир этувчи омиллардан биридир. Шу боис мавжуд механизмларни қайта қўриб чиқиш эмас, балки уларни янада такомиллаштириш ва амалиётдаги самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида сўнгги йилларда яратилган ҳуқуқий ва институционал асослар ушбу йўналишда тизимли давлат сиёсати шаклланишини кўрсатади. Ҳимоя ордери, махсус ёрдам марказлари, профилактика ва реабилитация механизмининг жорий этилиши давлатнинг зўравонликка қарши курашда фақат жоза чораларига эмас, балки инсон манфаатларига йўналтирилган комплекс ёндашувни танлаганидан далолат беради.

Нафисламарини айтганда, аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида мамлакатимизда мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Келгусидаги асосий вазифа мавжуд механизмларни амалиётга татбиқ этиш, идоралараро ҳамкорлиқни кучайтириш ва жамиятда зўравонликка нисбатан муросасиз муносабатни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Дилноза БАРЛИБАЕВА,
Адлия вазирлиги хузуридаги Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти бош маслаҳатчиси

Музокаралар жойи ўзгарди

ётганини маълум қилди.

Маълумотларга қўра, АҚШ президенти Дональд Трамп маъмурияти Эрон томонининг илтимосига қўра, музокаралар ўтказиладиган жойини Истанбулдан Уммонга қўчиришга рози бўлган. Айни пайтда ушбу музокараларда араб ва мусулмон давлатлари ва-

киллари иштирок этиши эҳтимоли бўйича ҳам маслаҳатлашувлар давом этмоқда.

Аввалроқ «Axios» Техрон Вашингтон билан мулоқотни икки томонлама форматга ўтказишни ҳамда музокаралар майдонини ўзгартиришни талаб қилаётгани ҳақида хабар берган эди.



Японияда қурбонлар кўпаймоқда

Японияда 20 январдан бери кузатилган кучли қор ёғиши оқибатида ҳалок бўлганлар сони 35 нафарга етди. Бу ҳақда мамлакат Бош ёнгин хизмати статистикасида келтирилган маълумотларга таяниб, «РИА Новости» хабар бермоқда.

Жами 393 киши табиий офатдан жабрланган, шулардан 126 нафари оғир жароҳат олган. 20 январдан буюн бир неча бор кучли қор Япониянинг шимолий ва шимоли-ғарбий ҳудудларига ёғиб, вазиятни жиддий равишда мураккаблаштирган.

Долзарб мавзу

Бугунги экологик вазият чорвачилик соҳасига салбий таъсир кўрсатяпти. Қурғоқчилик ўт-ўланлар сийраклашувига, яйловлар қисқаришига олиб келди. Оқибатда дашт ва чўл ҳудудларида боқиладиган қўйлар ва қорамоллар сони кескин камайди. Натижада гўшт қимматлашди. Шу боис импортга зўр беряпмиз.



Маълумотларга қўра, бултур 156,9 минг тоннадан ортиқ мол гўшти импорт қилинган. Бу рақам 2024 йилга нисбатан 96,6 минг тоннага ортган. Қўй гўшти импорти эса қарийб 2,5 баробарга кўпайган. Шунингдек, 64,9 минг тонна товук гўшти олиб келинган.

Хавотирлиси, деҳқон ва томорқа хўжаликларида етиштирилган гўшт 2025 йилда 1,9 фоизга камайган. Мамлакатдаги қорамоллар бош сонининг 90 фоизи, қўй-эчкиларнинг 75 фоиздан ортигини ўз тасарруфида сақлаб келаятган шахсий хўжаликларда оқсаш сезилди. Бу нарх-навога салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, мол гўшти 23,9 фоизга, қўй гўшти 26,8 фоизга қимматлади. Масала ечимига қаратилган чора-тадбирлардан наф чиқмади.

Режага биноан, 2019 йилда хориждан 145 минг бошдан зиёд қорамол, шундан 30 минг бош насли қорамол, 217 минг бошдан зиёд қўй-эчкилар олиб келинган. Бундан ташқари, 1,5 триллион сўмлик 853 та лойиҳа ишга туширилган. 2020 йилда эса 60 минг бошдан ортиқ қорамол ва 36,6 минг бош майда туёқли жониворлар келтирилгани айтилганди.

Ҳўш, уларнинг тақдири нима бўлди? Аҳоли тасарруфидаги чорва моллари 90 фоизлик маррани забт этган бир пайтда нима учун фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг улуши 10 фоиздан ортмаяпти? Уларга давлат томонидан ажратилган кредит, субсидия ва бошқа имтиёзлар қачон ўзини оқлайди?

МУТАХАССИСЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Келинг, масалани Самарқанд мисолида қўриб чиқсак. Айни вақтда вилоятда чорвачилик йўналишида 1 минг 729 та хўжалик фаолият юритмоқда. Шундан 752 таси қорамолчилик, 223 таси қўйчилик, 4 таси йилқичилик, 211 таси паррандачилик билан машғул.

Тегишли дастурга қўра, 400 миллиард 897 миллион сўмлик 85 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилиб, шундан 379 миллиард 803 миллион сўм ҳисобига 81 таси амалга оширилди, – дейди вилоят Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Одилхон Бақоев. – Натижада вилоятда чорва

моллари кўпайди. Гўшт, сут, товук гўшти, тухум, асал ишлаб чиқаришда (балиқчиликдан ташқари) сезиларли ўсиш кузатилди.

Вилоят аҳолисининг гўштга бўлган йиллик талаби 187 минг тоннани ташкил этиб, етиштириш ҳажми эса 225 минг тоннадан ортиқ. Демак, гўштга бўлган талаб 124 фоизга бажарилляпти. Маҳсулотнинг 30 фоизи қайта ишланыпти.

Тўғри, гўшт ишлаб чиқариш бўйича Самарқанд мамлакатда етакчи. Аммо бу импорт қилишга ҳожат йўқлигини аниқламайди. Чунки ишлаб чиқарилаяётган маҳсулотларнинг асосий қисмини товук гўшти ташкил этмоқда.

МАБЛАҒ БОР, ТАКЛИФ БОР, ХОҲИШ-ЧИ?

Чорвачилик истиқболи зарур ҳаётий эҳтиёжга айланиб, тармоқни ўнглаш учун саёй ҳаракатлар олиб бориляпти. Хусусан, Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш қўмитаси ҳамда Франция тараққиёт агентлиги (AFD) ўртасида 2022-2026 йилларга мўлжалланган «Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш» лойиҳаси ишлаб чиқилган. Умумий қиймати 147,1 миллион евролик ушбу стратегик шериклик соҳага хорижий технологияларни жорий этиш ва иқлим ўзгаришига мослашган «яшил» иктиодиётни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

– Лойиҳа нафақат чорва молларини кўпайтириш, балки соҳанинг иқлим ўзгаришига мослашган ресурс тежовчи ва юкори даромадли моделини яратишга хизмат қилади, – дейди Барқарор ривожлантириш лойиҳаси кредит координатори Озод Наҳалбоев. – Шу мақсадда тадбиркорларга 100 минг еврогача (сўмда) кредит берилиб, лойиҳа ишга тушгандан сўнг кредитнинг 40 фоизгача бўлган қисми грант сифатида қайтариб берилади. Энг асосийси, кредитлар 10 йилгача бўлган муддатга (уч йиллик имтиёзли давр билан) ажратилмоқда. Бу тадбиркорлар учун катта молиявий рағбат. Унинг асосий йўналиши, яъни 70 фоизи иқлимга салбий таъсир кўрсатмайдиган «яшил» инвестициялар учун йўналтирилади. Шунингдек, тадбиркорларга кредит суммасининг 50 фоизигача кафилик тақдим этил-

моқда. Айни пайтгача 26 та субъектга 8,8 миллиард сўмлик кафилик берилиди.

Масбулларнинг айтишларича, ўтган фурсат ичида 321 та суб-лоийҳани молиялаштиришга муваффақ бўлинган. Бу маблағга 5 минг бош қорамол, 3,5 миллиондан ортиқ парранда харид қилинган. Натижада 3085 та янги иш ўрни яратилиб, 825 нафар хотин-қизнинг доимий бандлиги таъминланган.

– Лойиҳа доирасида 1 минг 250 нафардан ортиқ мутахассис халқаро ёндашувлар асосида қайта ўқитилди, – дейди координатор. – Жумладан, 243 нафар раҳбар, 1013 нафар дала ветеринария шифокорининг малакаси оширилди. Бундан ташқари, аёллар бандлигини қафолатловчи янги модель – «ижтимоий лифт» тизими жорий этилди.

Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш бошқармаси бошлиги ўринбосари Нурбек Шариповнинг маълум қилишича, соҳада илк бор чорва касаллигини реал вақт режимида (online) назорат қилиш имконини берувчи тизим яратилган. Бу республикадаги эпизоотик вазиятни марказлашган ҳолда кузатиш ва хавфли касалликларга тезда чора қўриш имконини яратган.

– Ўтган йили кредит асосида фаолиятимизни бошладик, – дейди Оқдарё туманидаги «Spekt Yo Im» балиқчилик хўжалиги раҳбари Ўқтам Маъмиров. – Биринчи йили 10 тонна балиқ етиштирдик. 6 кишини доимий иш билан банд қилдик. Ҳозир ҳовузлар ва ходимлар сонини ошириш устида ишляпмиз.

Қўшма лойиҳа кредити асосида, шунингдек, паррандачилик йўналишида «Зарафшон ломан парранда», Булунғурда «Агромир» бўрдоқчиликка ихтисослашган комплекс барпо этилди...

Қисқаси, Франция тараққиёт агентлиги иштирокида амалиётга татбиқ этилаяётган лойиҳанинг мақсади чорвачилиқни ривожлантириш, натижада бозорларни сифатли гўшт маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат. Қолаверса, бу айни йўналишдаги ташаббусларнинг биринчиси ҳам, охиригиси ҳам эмас. Аммо улар натижа бермаса, баландпарвоз гаплардан фойда йўқ.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Испания ижтимоий тармоқларни чекламоқчи

Испания ҳукумати болаларни эҳтимолий таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида 16 ёшга тўлмаган шахслар учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни тақиқлашни режалаштирмоқда.


Мамлакат бош вазири Педро Санчес БААда бўлиб ўтган саммитда сўзга чиқиб, болалар «ўзлари мустақил равишда йўл топиши керак бўлмаган рақамли маконга» тушиб қолаяётганини таъкидлади ва ҳукумат бу ҳолатга энди тоқат қилмаслигини билдирди.

Санчес, шунингдек, йирик технологик компанияларни танқид қилиб, уларни платформаларда тақиқланган контент, жумладан, жинсий мазмундаги материаллар тарқалишига йўл қўяётганликда айблади.

Бундан аввал Австралия ва Франция

ҳукуматлари ҳам шунга ўхшаш чекловлар жорий этилишини маълум қилган эди. Январь ойида эса Финляндия 15 ёшга тўлмаганлар учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни тақиқлаш устида иш олиб бораётгани маълум бўлди. Мамлакат бош вазири Петтери Орпо болаларнинг экран олдида ҳаддан ташқари кўп вақт ўтказиши уларнинг жисмоний фаоллигини пайсаятириши ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатишини таъкидлади.

Оламгир ОТАЁРОВ
тайёрлади



Зинтанда суиқасд

Ливиянинг собиқ раҳбари Муаммар Қаддофийнинг ўғли – Сайф ул-Ислом Зинтан шахридаги уйи ҳовлисида уюштирилган суиқасд натижасида ҳалок бўлди. Бу ҳақда «Al Hadath» телеканали хабар бермоқда.

Қаддофий оиласига яқин манбаларга қўра, у қароргоҳ ёнидаги боғда оғир жароҳат олган. Ҳужумда тўрт нафар шахс иштирок этган бўлиб, улар воқеа жойидан қочиб кетган. «Al Jazeera» телеканали маълум қилишича, суиқасддан олдин уйдаги барча видеокузатув камералари ишдан чиқарилган.

Сайф ул-Ислом Муаммар Қаддофийнинг иккинчи ўғли бўлиб, отаси ҳалок бўлгач, Ливия қаршилиқ ҳаракатининг асосий шахсларидан бири сифатида танилган. Кейинчалик у хибсга олинган, ўлим жазосига ҳукм қилинган, бир муддатдан сўнг озод этилган ва фуқаролик уруши гирдобида қолиб кетган мамлакатни бирлаштириш ниятида катта сиёсатга



қайтишга уринган.

Маҳаллий ОАВ маълумотларига қўра, қотиллик 3 февраль кuni содир этилган. Жиноятни содир этганлар ва бюрутмачилар шахси ҳозирча аниқланмаган.

Китобдай садоқатли дўст йўқ.

Эрнест Хемингуэй

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

ОЛТИ АСР САРҲИСОБИ



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида яратилган «Алишер Навоий энциклопедияси»да буюк мутафаккир ҳақидаги асосий факт ва материаллар қомусий қамров билан бир жойга жамланган. Унда деярли олти юз йиллик манба ва материаллар сарҳисоби тўла акс этган. Ахборотларнинг тигиз ва илмий-тадқиқот шаклида берилиши энциклопедияни ҳозиргача Навоий ҳақида яратилган барча тадқиқотлардан ҳар жиҳатдан яққол ажратиб туради. Китоб яхлит ҳолатда ўзига хос илмий нашр бўлган.

Энциклопедиянинг тўрт жилдан иборат мақолаларида кўпчиликка таниш сиймолар билан бир қаторда, китобхонларнинг барчаси ҳам билмайдиган кўплаб янги номлар ҳақида маълумотлар тақдим этилган. Улар орасида ижодкорлар, шунингдек, фан ва санъат соҳасига дахлдор номлар ҳам учрайди. Улар ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига у ёки бу тарзда тааллуқлидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 19 октябрдаги «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорида, жумладан, шундай дейилган: «Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Ўйғониш даври — Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда». Шунинг таъкидлаш жоизки, Навоий қомусининг яратилиши мазкур қарорда кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлашда жиддий ва салмоқли қадам бўлди.

Одатда адабиёт ва санъат ёҳуд бошқа бирор соҳада фаолият юритганларнинг ҳаммаси ҳам юксак чўққиларни забт этавермайдилар. Алишер Навоий эса бу жиҳатдан феноменал қобилият эгаси. Унинг бир эмас, кўплаб соҳаларда, яъни тилшунослик, адабиётшунослик, тарих, фалсафа, диншунослик ва тасаввуф борасидаги хизматлари ҳамда эришган натижалари улкан кашфиётлар сифатида ўз замонадаёқ эътироф этилган эди. Буюк шоирнинг ўзи таъкидлаганидек:

Мен ул менки, то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур.

Фалак кўрмади мен кеби нодире,
Низомий кеби назм аро қодире.

Кейинги даврларда жаҳоний эътирофларнинг таъсир доираси тобора кенгаймоқда. Ҳозир Навоий асарларининг фақат Шарқ эмас, балки Ғарб тилларида ҳам таржималари муттасил кўпайиб бораётгани фикримизнинг яққол исботидир.

«Алишер Навоий энциклопедияси»да қомус муаллифлари Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ барча тушунча ҳамда ҳодисаларни имкон қадар қамраб олишга ҳаракат қилишган. Шунинг учун ҳам тадқиқотда Алишер Навоий тилга олган:

«Фохтадин қумрию булбулгача,
Балки шажар яфройидин тулгача» —

ҳамма нарса ўзининг муносиб тадқиқ ва талқинини топган.

Алишер Навоий фақат бадий ижод билан шуғулланганми? У кўпроқ қандай китобларни ўқиган? Навоий табиатидаги асосий фазилатлар нималардан иборат? Мутафаккир шоирнинг қариндош-уруғлари ҳақида нималар маълум? Бу каби кўплаб саволларга қомус саҳифаларида батафсил жавоблар бор.

Ҳазрат Навоий ўз асарларида бутун туркий халқларнинг ақлу идроки қай даражада эканлигини амалда исботлаб берди:

Агар бир қавм, гар юз,
Йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.

Олибмен тахти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин

то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табрес


Ки, қилмишдур найи килким
шакаррез.

Кўнгул бермиш сўзумга турк
жон ҳам,

Не ёлғуз турк, балким
туркмон ҳам.

Буюк мутафаккир қолдирган мерос фақат ҳажми ва миқдори билан эмас, уларда илгари сурилган юксак инсоний туйғулар, гўзал ва батақроқ бадий ифодалар, пурмаъно ҳикматлар ва ҳаётий тажрибаларнинг юксак умумлашмаси билан ҳам бадийят хазинасининг олтин гавҳарлари даражасига кўтарилган. Улардан кўнгиллар хузуруланади:

Буюк бобокалонимиз асарлари бугун турли илмий ва оммавий нашрларда кенг тарғиб этилаётир. Унинг ҳар бир асари бўйича ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга молик кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Энциклопедияда бу борада ҳам қатор илмий мақолалар келтирилган. Ойбек, М.Шайхзода, Н.Маллаев, А.Қаюмов, А.Рустамов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Н.Комилов, Э.Вохидов, Жамол Камол, М.Абдулҳаким, И.Ҳаққулов каби ардоқли устозларнинг бебаҳо тадқиқотлари ҳурмат билан ёд этилган.



Мурувват барча бермакдур,
емак йўқ,

Футувват барча қилмоқдур,
демак йўқ.

Холиқ ўлгон саҳийдин элга бўлди
икки бахшойиш,

Ҳам аҳсонидин аройиш,
ҳам ахлоқидин осойиш.

Юқар ёмонлиг ангаким,
кирар ёмон эл аро,

Кўмур аро илик урган қилур
илкини қаро.

Алишер Навоий қомуси мутафаккир ҳақидаги барча маълумотлар бир ерга жамлангани билан аҳамиятлидир. Тўрт жилднинг умумий ҳажми 2000 саҳифадан ортиқроқ. Қомусдаги мақолалар мавжуд далил ва материалларнинг таҳлилий нуқтаи назардан кўриб чиқиши билан ҳам эътиборга молик. Айнан мана шу жиҳат илмда олдиндан маълум бўлган тасаввур ва тушунчаларни ўзгартиради, уларни тўлдиради, кенгайтиради, айрим ҳолатларда эса бутунлай янгилайди ҳам.

Қомус ранг-баранг материаллардан ташкил топган. Шунга кўра, у олимга ҳам, оддий ўқувчига ҳам бирдай керак. Айниқса, таълим-тарбия соҳасидаги мутахассислар учун жуда асқатади.

Мутафаккирнинг таржimai ҳоли, унинг

ўзи ҳақида ёзганлари ҳамма учун қизиқ. Шунингдек, Навоийнинг замондошлари билдирган фикр-мулоҳазалар ҳам китобхон эътиборини ўзига жалб этади.

Навоий асарларида кўплаб буюк мутафаккирларнинг, шу жумладан, қалам аҳлининг номлари бот-бот тилга олинган. Энциклопедия саҳифаларида хорижий олимлар фаолияти билан таништиришга

ҳам алоҳида эътибор берилган. Муаллифлар сафида хорижий олимлар ҳам бор.

Буюк бобокалонимиз асарлари бугун турли илмий ва оммавий нашрларда кенг тарғиб этилаётир. Унинг ҳар бир асари бўйича ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга молик кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Энциклопедияда бу борада ҳам қатор илмий мақолалар келтирилган. Ойбек, М.Шайхзода, Н.Маллаев, А.Қаюмов, А.Рустамов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Н.Комилов, Э.Вохидов, Жамол Камол, М.Абдулҳаким, И.Ҳаққулов каби ардоқли устозларнинг бебаҳо тадқиқотлари ҳурмат билан ёд этилган.

Қомусда мақолалар муҳим адабиётлар рўйхати билан кўрсатилган. Бунинг илмий-тадқиқотлар учун нақадар муҳимлигини мутахассислар яхши билишади.

Табиийки, қомусдаги мақолаларнинг асосий қисми Навоий асарлари билан боғлиқ. Биргина «Ҳайрат ул-аброр» достони мисолида айтиш мумкинки, унда қомусийликнинг барча таллаблари синчковлик билан эътиборга олинган. Масалан, асар номига боғлиқ мақолада унинг умумий мазмуни, таркиби, тузилиши ва вазни ҳақидаги кўплаб маълумотлар келтирилган. Шунингдек, шоҳ ва раият, умр мазмуни, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи, инсоний фазилат ва иллатлар, иймон ва ислом, маърифат ва жаҳолат ҳақида, асар композициясидаги ўзига хосликлар, уларнинг адабий-эстетик аҳамияти тўғрисида ҳам мулоҳазалар берилган.

Бошқа мақолаларда «Хамса» тушунчаси изоҳларда батафсил ва изчил ифодасини топган.

Қисқача қилиб айтганда, мазкур нашр теран ва изчил тадқиқотлар учун, айниқса, ёшлар учун сабоқ ва ўрганиш мактаби бўлади. Бунга шубҳа йўқ.

Боқижон ТЎҲЛИЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор



Орамиздаги одамлар

ҲУНАРНИ АСРАБОН...

Фарғона вилояти Қўштепа туманида фаолият юритаётган дўппидўз Утикахон Ҳақимова ҳунари ортидан элда обрў топган аёллардан. У 2018 йили касаначилик корхонаси ташкил этди. Ўзи яшайдиган «Сойбўйи» маҳалласидаги хотин-қизларни ҳам мазкур ҳунарга жалб қилиб, иш билан таъминлади. Бундан ташқари, махсус курс очди, ногиронлиги бўлган 20 га яқин хотин-қизга ҳам иш ўргатди. Бугунги кунда, нафақат корхонада, балки хонадонларида дўппи тикаётган ва тайёр маҳсулотларни корхонага етказётганлар ҳам талайгина.

Ўтикахон Ҳақимова бир ўғил ва уч қизнинг онаси. Фарзандлари, неваларарига ҳам ушбу ҳунарни ўргатган. 2024 йилда 500 нафар, 2025 йилда эса 1000 нафардан ортиқ аёлларга анъанавий дўппичилик сир-асрорларини ўргатди. 2026 йил давомида эса 2000 нафардан ортиқ хотин-қизни ушбу ҳунар билан ошно этмоқчи.

Маҳсулот сифатли бўлса, харидор ўзи келади. Қўштепанинг дўппилари бугун нафақат юртимизда, балки қўшни давлатларда ҳам харидорсир. Жумладан, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Афғонистон ва Туркиядан ҳам миқозлар келаятгани бунинг ёрқин исботидир.

– Таълим олишга имконияти бўлмаган қизларимиз, албатта, ҳунар ўрганиши зарур, – дейди ишбилармон опа. – Ҳунар – ҳунардан унар, дейишади. Бу билан оиласига моддий кўмаклашади, қолверса, вақт ҳам мазмунли ўтади, жамиятга нафи тегади.

Ҳунараманд опа билан суҳбатимиз марокки кечди. Унинг «Аёллар дафтарида» турувчи, ногиронлиги бор кўплаб ишсиз хотин-қизларнинг ишли, даромадли бўлишига ҳисса қўшаётганини кўриб, беихтиёр буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг «Ҳунарни асрабон нетқумдир охир...» деган ўлмас мисралари ёдга тушади.

– Шижоатингизга балли, фаолиятингизга эса барака ёғилаверсин, – дея хайрлашдик у билан.

Севара АЗИЗОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
талабаси

Марокки
дам олинг,
азиз газетхон!

Берта Давидова ижросида
«МУНОЖОТ»
ТАРОНАСИ

Имомжон Икромов мусиқаси



Кеча келгумдур дебон ул сарви
гулру келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча
уйқу келмади...

Алишер Навоий газали



MUASSIS:



2007-йил 11-январда
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSEN'YAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Alijon ABDURAHMONOV
Musahihilar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA
Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV
Bosishga topshirish vaqti – 21:00
Topshirildi – 23:00
Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifati chop etilishiga
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmilashtirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 306 ta
Shundan: 6 701 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 426 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 179 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-211
1 2 3 4 5 6